

“BEHBUDIY IZDOSHLARI” ILMIY VA IJODIY ISHLAR TANLOVI

Issiqlikni bartaraf etish juda qiyin tuyulishi mumkin, ammo shuni yodda tutish kerakki, uning ta'sirini yumshatish uchun odamlar va jamoalar birlashib bajarishi kerak bo'lgan vazifalar mavjud. Misol uchun: energiya sarfini kamaytirish, ekologik toza amaliyotlarni qo'llab-quvvatlash va barqaror siyosatni targ'ib qilish kabi omillarni olsak bo'ladi. Muhimi atrof-muhitga qarab qanday yordam bera olishingiz, nimalar qila olishingizni o'ylab ko'ring va shu maqsadda harakat qiling hamda boshqalarni ham bu yo'lda birlashtiring. Chunki birgalikda ishlash orqali insoniyat global isish oqibatlarini bartaraf etish va uning zararlarini to'xtatib qolish imkoniyatiga ega.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. “Issiqxona effekti” Toshniyozova Gulmira
2. “Tabiatning tugashi” Bill McKibben 1989-y.
3. “Global isish muammosi” Louise Ward
4. “Global isish sabablari va yechimlari” Meros Fond
5. “Moskva” Jizn Jivatnix 1968-1971
6. “O'zgidramet” yetakchisi mutaxassisi Erkin Abdulahatov(intervyu KUN.UZ)
7. “Yashab bo'lmaydigan Yer: isishdan keyingi hayot” David Wallace-Wells 2019-y.
8. “Yarim Yer: Bizning sayyoramizning hayot uchun kurashi” Edward O. 2016-y.
9. “Global isishni qaytarish uchun taklif qilingan reja” Paul Hawken 2017-y.
10. “Biz tanlagan kelajak: iqlim inqirozidan omon qolish” Christiana Figueres 2020-y.
11. “O'zgargan iqlim” Philippe Squarzone 2014-y.

Elektron manbalar:

12. <https://carnegieendowment.org/>
13. <http://www.chathamhouse.org.uk/>
14. <https://www.csis.org/>
15. <https://imaniafrica.org/>
16. <http://en.ccg.org.cn/>
17. <http://www.urban.org/>
18. <https://www.cato.org/>
19. <https://www.rand.org/>
20. <https://carnegietsinghua.org/>
21. <http://www.bicc.de/>
22. <http://www.gazeta.uz/>
23. <http://earth.org/>

ДОЛЗАРБЛИГИНИ ЙЎҚОТМАГАН АСАРНИНГ ҚОРАҚАЛПОҚ САҲНАСИДАГИ ТАЛҚИНИ

Дарушова Дариха Кадирниязовна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Нукус филиали ўқитувчиси

“BEHBUDIY IZDOSHLARI” ILMIY VA IJODIY ISHLAR TANLOVI

Аннотация: Бу мақолада Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида сахналаштирилган М.Бехбудийнинг “Падаркуш” асарининг талқини ҳақида сўз бўлади.

Калим сўзлар: театр, драматург, актёр, режиссёр, спектакль, ижодкор, репертуар, декорация.

Аннотация: В этой статье рассказывается об интерпретации произведения М. Бехбуди "Падаркуш" поставленного в Каракалпакском государственном театре юного зрителя.

Ключевые слова: драматург, театр, актёр, режиссёр, спектакль, создатель, репертуар, декорация.

Annotation: This article discusses the interpretation of M. Behbudi's "Padarkush" staged at the Karakalpak State Youth Theater.

Keywords: theater, playwright, actor, director, play, creator, repertoire, decoration.

Тарихдан бизга маълум бўлганидек, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” фожеасининг ёзилгани ва сахна юзини кўрганига юз йилдан оша вақт бўлаяпти. Аммо асар мавзуси ва ғояси ҳалигача долзарблигини йўқотгани йўқ. Чунки, инсониятни илм олишга ундаш, билимли бўлишга тарғиб қилиш мавзуси ижодкорларнинг ғоявий-мақсадлари билан чамбарчасдир. Зеро, инсон илму-билми билан оиласини, жамиятни ва Ватанини парвариш қилади, ривожлантиради, кези келганда ҳимоя қилади.

Асар муаллифи Маҳмудхўжа Бехбудий ўз даврининг етук намоёндаси бўлиб гина қолмай, бугунги кун авлодларига ўрнак қилиб кўрсатгудек шахсдир. Буюк ислохотчи бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишларда тенг ижод қилган. Таҳликали даврда бунинг ўзи мардлик саналарди. Ўзбек матбуотчилигининг ва ўзбек театр санъатининг асосчиларидан бири сифатида тарих зарварақларига муҳрланган ижодкор 1913 йили «Ойна» журнаliga асос солди. 1914 йили эса ўзининг «Падаркуш» номли трагедияси билан ўзбек театр санъатининг илк пардасини очиб берди. Йиллар оша бу спектакль турли режиссёрлар томонидан сахналаштирилиб турли театрларда сахна юзини кўрди ва томошабинларни маънавий озикландириб келмоқда.

Бугунги кундаги қорақалпоқ театрларининг репертуарига назар ташлар эканмиз, унда томошабинни қизиқтирадиган ва театрға чорлайдиган, ўз навбатида тарбиявий аҳамияти билан ажралиб турадиган спектаклларни кўрмоқдамиз. Албатта, спектаклнинг муваффақиятли чиқишида режиссёр ечими, рассом иши, актёрлар маҳорати ва барча ижодий жамоанинг меҳнатлари билан биргаликда драматургиянинг пишиқ бўлиши ҳам катта аҳамият касб этади. Бугунги қорақалпоқ театрларида фаолият юритиб турган режиссёрлар асар танлашга жиддий қарамоқда. Бир пайтлари театрларға томошабинларни қайтариш бироз мушкул ишга айланганди. Ўз ҳоқиш-истаги билан театрға келадиган томошабинлар ҳам озни ташкил қиларди. Лекин, айти вақтлари театрларда иш қизғин. Репертуарлар бир-бирини такрорламайдиган асарлар билан

“БЕҲБУДИЙ ИЗДОШЛАРИ” ИЛМИЙ ВА ИЖДИЙ ИШЛАР ТАНЛОВИ

янгиликларда. Янгиликларга хумор томошабинлар ҳам театрларда қандайдир янги спектакль премьераси бўладиган бўлса, томоша залидан ўрин олишга, аниқроғи, олдинроқдан ўрин олишга шошилмоқдалар. Бунга мисол тариқасида 2023 йилнинг январ ойида премьераси тақдим этилган «Атабийзар» спектаклини айтишимиз мумкин. Спектакль М.Бехбудийнинг «Падаркуш» трагедиясининг қорақалпоқча атамаси билан номланди. Саҳналаштирувчи режиссёр театрнинг тажрибали режиссёри Аман Қудайназаров. Саҳналаштирувчи rassom – театрнинг бош rassomi Толибай Шардеметовдир.

Асарнинг ёзилганига аср оша вақт бўлса, мавзу эскирмадими, бугунги кун томошабинига бу мавзудаги спектакль нимаси билан аҳамиятли деган савол ўртага чиқиши табиий. Аслида асарнинг пайдо бўлишида муаллифнинг буюк ғояси ва мақсадлари бор бўлди. Сабаби ўша даврда халқни оммавий савод олишга, илм билан машғул қилишга эришувнинг самарали амалларидан бири эди бу. Энди, бугунги инфор­мацион-технологиялар ривожланган бир даврда ушбу асарнинг саҳна юзини кўриши қандай натижа беради, спектакль нечоғлик муваффақиятли чиқади, деган саволга қуйидагича жавоб берамиз. Бугунги кунда ҳар соҳада ривожланиш бор. Технологиянинг шиддат билан ривожланиши орқали инсонларнинг қўл ва ақлий меҳнатлари бироз енгиллашди. Ҳар иккала меҳнат турини борган сайин роботтехникалар амалга оширишни удаламоқдалар. Бу жараён вақт ўтиб инсониятнинг ақлий салоҳиятига кери таъсирини кўрсатиб қўйиши табиий. Ҳар соҳани аста эгаллаётган суний интеллект инсонларни ҳар томонлама дангаса қилиб қўймаслигига, оммавий саводсизликни келтириб чиқармаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ҳар даврда ҳам, ҳар қанақа вазиятда ҳам илм ёлғиз нажот бўлиб келган.

Ўқимаган боланинг ҳолини, илмсизликнинг оқибатини кўрсатиб берувчи мазкур спектакль қорақалпоқ театрида муваффақиятли саҳналаштирилди ва томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Танланган актёрлар ўзларига юкланган вазифани адо этишда бор маҳоратларини кўрсатди. Театр актёрлари Р.Уразбаев, Ж.Абдимов, П.Толегенов ва Р.Тлемисовларнинг ижросида мукамалликни кўйшимиз мумкин. Фақатгина Лиза ролини ижро қилган актриса Г.Жапарова ўз қаҳрамонининг кўринишига тушмагандек, назаримизда. Сабаби асарни ўқиган ўқувчининг кўз ўнгидида Лиза бошқа миллат вакиласи ва чиройли, суқсурдек ёшгина аёл сифатида намоён бўлади. Саҳнадаги Лиза эса ўзига ўхшамаган. Тўғри, актриса Г.Жапарованинг ижро маҳоратига гап бўлиши мумкин эмас. Лекин юз тузилиши ва кўриниши Лизани сира эслатмайди. Режиссёр мана шу жиҳатига аҳамият берганида томошабиндаги ишончсизликнинг келиб чиқишининг олдини олган бўлар эди. Лиза спектаклда салбий образда намоён бўлиб, у бутун бир фожеанинг сабабчиси этиб кўрсатилган. Қорақалпоқ нақл-мақоллари орасидаги «Бир қумолоқ бир қазон мойни чиритади» деган гап Лизага тегишлидир. Яъни бутун жамиятнинг емирилишига биргина салбий образнинг ўзи кияфоялигини муаллиф яққол кўрсатиб берган.

“BENBUDIY IZDOSHLARI” ILMIY VA IJODIY ISHLAR TANLOVI

Спектакль учун яратилган сахна безаги ва сахна либослари асарнинг вақт ва макон бирлигини ярата олган. Театрнинг бош расмони Т.Шардеметовнинг барча ишларида пухталикини кўрамиз ва унинг ўз ишига креатив ёндашганига гувоҳ бўламиз. Мазкур спектаклда ҳам воқеаликга мос декорация яратилган.

Буюк маърифатпарвар М.Бехбудийнинг «Падаркуш» миллий фожеаси ҳар даврда ҳам ўз томошабинини йўқотмаслигига ишончимиз комил. Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри тақдим этилган «Атабийзар» спектакли бадиий яхлитликга эришган спектакллардан бири сифатида театр репертуарини бойитди, дея айтишимиз мумкин. Улуғ адибнинг «Театр – бу ибратхонадур» дея қайд этганидек, «Падаркуш» халқимизни ҳамича илм олишга даъват қиладиган, билим чироғини келажак авлодларга ўчирмасдан узатишига ундайдиган асарлардан бири бўлиб хизмат қилиши тайин. Театр ижодкорларига эса доимо халққа маънавий бой озиқ берадиган мавзу ва ғояли спектаклларни яратишда ҳориб-толмасин деймиз. Зеро, санъатлар ичида эзгуликни тараннум этишда театр санъати етакчи ўринни эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арасту. Поэтика. – Т: Янги аср авлоди, 2012.
2. Ансатбаев Н. Театр ва актёр, дарслик. 2020.
3. Асарнинг асл нусхаси.
4. Исмайлов, Ажинияз Есбергенович. "«УСТОЗ ТАҚДИРИ» СПЕКТАКЛИДА ЗАМОНДОШ ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ." GOLDEN BRAIN 1.13 (2023): 161-167.
5. Darushova, Darixa Kadirniyazovna. "YOSH REJISSYORNING YANGI TALQINDAGI SPEKTAKLI." *Oriental Art and Culture* 5.6 (2024): 656-658.

INSON ONGINING DARVOZASI: BOSH MIYA JARROHLIGINING NAZARIYASI VA AMALIYOTI

Samatov Akbar Akobir o'g'li

Buxoro viloyati Buxoro shahar Zarmed Universiteti Talabasi

***ABSTRACT:** The human brain is the central organ of the human nervous system and is a highly complex structure. It is enclosed by the skull and shares the general structure of the brains of other mammals. However, it is three times larger than the brain of a typical mammal of the same body size. Although neurosurgical procedures have been performed at all ages, modern neurosurgery began in the United States with Cushing. Colored anatomical atlases of the brain and spinal cord appeared between the 19th and 20th centuries. Notably, J. Cruveilhier provided descriptions of spinal cord hemorrhage, cerebellopontine angle tumors, sclerosis,*